




**АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР
БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ
ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ТЎПЛАМИ

Бухорон шариф - 2022



ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ
“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ

“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ МЕРОСИ
ВА УНИНГ ИЛК ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ТЎПЛАМИ

2022 ЙИЛ 16-17 ИЮНЬ

Бухорои шариф – 2022

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти.

Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 16-17 июнь 2022 йил.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бобир Баҳриевич НАМОЗОВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳакима Юсуповна САЛОМОВА – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Абдуҳаким Зиётдинович ШАРИПОВ – Бухоро давлат университети ҳузуридаги Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

Ҳусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Зубайдилло Ибодиллаевич НАРЗИЕВ – Бухоро давлат университети Сиртки таълим йўналиши декани, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ҳурматли мақола ва тезис муаллифлари!

Тўпламга киритилган мақолаларнинг савияси ва камчиликлари, плагиат учун муаллифларнинг ўзи масъул ҳисобланишини эслатамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил
2 мартдаги 101-Ф-сон фармойишига асосан.

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети илмий техник кенгашининг 2022 йил _____ сонли мажлиси баёни асосида нашрга тавсия этилган.

©Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа кафедраси ©БухДУ

АННОТАЦИЯ:

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуман, Абу Ҳанифа асос солган ханафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, ушбу асрнинг охирларида бошқа ўлкалар, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам етиб келган. Бухорода Фикҳ мактабига асос солган Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг (150/768-216-17/832) мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ҳамда ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган. Мазкур тўпладан хорижий мамлакатлар ҳамда Республикамиздаги нуфузли олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, диний таълим муассасалари мударрислари ва магистрантларнинг тезис мақолалари илмий-назарий изланишлари ўрин олган.

АННОТАЦИЯ:

Эта международная научно-практическая конференция показала, что секта ханафизма, основанная Абу Ханифой, начала распространяться с середины VIII века, еще при его жизни, и в конце этого века достигла других стран, в том числе Мавераннахра. Абу Хафс Кабир Бухари, который основал школу фикха в Бухаре (150/768-216-17/832), его роль и значение в создании научнотеоретических основ раннего Восточного ренессанса и исламской философии. В данном сборнике собраны тезисные статьи и научно-теоретические исследования профессорско-преподавательского состава, научных исследователей, руководителей религиозных образовательных учреждений и магистрантов престижных университетов зарубежных стран и Республики.

ANNOTATION:

This international scientific and practical conference showed that the Hanafi sect founded by Abu Hanifa began to spread from the middle of the 8th century, during his lifetime, and at the end of this century reached other countries, including Maverannahr. Abu Hafis Kabir Bukhari, who founded the school of fiqh in Bukhara (150/768-216-17/832), his role and importance in creating the scientific and theoretical foundations of the early Eastern Renaissance and Islamic philosophy. This collection contains abstract articles and scientific and theoretical studies of the teaching staff, scientific researchers, heads of religious educational institutions and undergraduates of prestigious universities of foreign countries and the Republic.

АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙНИНГ ИЛОҲИЁТ ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ҳанифа Бурановна ХАЙДАРОВА

*Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбаунослиги, фалсафа”
кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*“Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиши” илмий-тадқиқот маркази
аъзоси.*

Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, ушбу асрнинг охирларида бошқа ўлкалар, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам етиб келган эди. турли шаҳарлардаги ҳанафий марказларининг шаклланишига Ироқ ва Хуросон мактаблари салмоқли таъсир кўрсатди. Муҳаммад ибн Шайбоний (ваф.805 й.)нинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (768-832) Бухоро мактабига асос солди.

Тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забурқон ибн Абдуллоҳ Бухорий. Дастлабки илмларни ўз юртида эгаллайди, сўнгра Бағдодга бориб, у ерда Абу Ҳанифа асҳобининг кўпларини учратган, улардан Муҳаммад ибн Ҳасаннинг бир неча йил илмий мажлисларида бўлган, унинг “Мабсут” китобини кўчирган. У Имом Муҳаммаддан кейин энг кучли, энг ишончли, энг тақводор фақиҳ ҳисобланган. Бунга далил сифатида куйидаги ривоятни келтириш мумкин: Абу Ҳафс билан бирга Имом Муҳаммаддан таҳсил олган Абу Сулаймон

Жузжонийнинг таъкидлашича: “Устозим Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан: “Агар сиз вафот этсангиз илмни кимдан олайлик?”, дея сўрадим”. Шунда устозим: “Ҳеч ким мендан илмни Абу Ҳафс Бухорийчалик ололмаган”, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний (872-952) Абу Ҳафс ҳақида куйидаги ривоятни келтиради: “Афлаҳ ибн Муҳаммад Абу Юсуфнинг мажлисида бўлган, ундан “Амолий”ни ёзиб олган, Аҳмад ибн Ҳафс эса Афлаҳ билан мажлисда Абу Юсуфнинг хузурига боришдан олдин бирга бўлган. Аҳмад ибн Ҳафс Абу Юсуфни умри охирлаган бир даврда учратди. Кейин Имом Муҳаммадга бориб, унинг котибларини эшитди ва унинг хузурда фикҳни ўрганди”. Демак, Абу Ҳафс Абу Ҳанифанинг мумтоз шогирдлари саналган Муҳаммад ва оз муддат бўлса-да, Абу Юсуфнинг ҳам мажлисида бўлган. Шамсиддин Заҳабийнинг хабар беришича, Вакиъ ибн Жарроҳ, Абу Усомалар ҳам унинг устозлари бўлганлар.

Айтиш жоизки, Мовароуннаҳрда фикҳнинг ривожланишида Абу Юсуфдан кўра Имом Муҳаммаднинг қарашлари кўпроқ таъсир кўрсатган. Илм олиб ўз юртига қайтган Аҳмад ибн Ҳафс шу тариқа ҳанафий мазҳаби таълимотини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келган шахс сифатида танилди. Шунинг учун Ёқутий: “Бухоро фақиҳлар академияси ва фозиллар маконидир. Бухородан кўра илм аҳлига ҳурмати кучлироқ шаҳар аҳлини кўрмаганман”, дея эътироф этади. Абу Ҳафс Кабир нафақат фикҳ соҳасида самарали ижод қилган, балки у ҳадис ва калом илмларининг ҳам етук билимдони саналади. VIII-X асрларда

Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ ва бошқа минтақалардан етишиб чиққан ханафий муҳаддислари ва фақиҳларининг фаолиятлари ҳақида Абдуллоҳ Субазмуний ўзининг “Кашф ал-осор” асарида қимматли маълумотлар келтирган. Жумладан, асарда Абу Ҳафс Кабир ва унинг авлодлари Бухородан чиққан илк ханафий муҳаддислари қаторида зикр этилган. У Асад ибн Амр, Абу Яҳё Ҳимоний, Яҳёибн Закарийё ибн Абу Зоида, Исо ибн Юнус, Муҳаммад ибн Робиа, Абу Муовия, Ибн Муборак, Абдуллоҳ ибн Нумайр, Амр ибн Муҳаммад, Ибн Мунир Варроқ, Ҳушайм ибн Башир, Салм ибн Солимлардан ривоят қилган.

Манбаларда XI асргача фақиҳлар орасида илоҳиётга доир масалалар ҳам муҳокама этилганлиги, жумладан, Бухорода Абу Ҳафс Бухорий, Самарқандда “Иёдия” ва “Жузжония” каби илоҳиёт мактаблари фаолият юритгани тўғрисида маълумотлар бор.

Абу Ҳафс Кабир Муҳаммад ибн Ҳасандан қилган ривоятида: “Барча нарсалар яхши ва ёмон тарзда тақдир қилгандир. Аҳли суннанинг барча фақиҳлари шунга иттифоқ қилишган. Қадар борасида тортишманглар. Муҳаммад (а.с.) саҳобалари ҳақида фақат яхши гапиринг. Йўл топиш мақсадида юлдузларга қарашда зарар йўқ”, деган. Олим шу мазмундаги ривоятлар ҳамда ўз қарашларини шогирдларига уқтирган. Демак, Абу Ҳафс ислом илоҳиётида мўътадил йўлни танлаб, турли адашган ақидавий, оқимларга қарши раддиялар берган. Фикримиз далили сифатида фақиҳнинг ҳозирги кунга қадар топилмаган, аммо номи кўплаб асарларда учрайдиган “Китоб ат-тахриж” номли асаридан Лутфуллоҳ Насафий “Тасмия шарҳи” бобидан келтирган иқтибоси, унинг ақидага доир фатволари, шунингдек, ўғли Абу Ҳафс Сағирнинг калом илмига атаб ёзган асарларини келтириш мумкин.

Шарқшунос А.Б.Холидов ва бир неча тадқиқотчилар Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда араб халифалигида илк бора мадрасалар барпо этилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги “Форжак” мадрасаси деган фикрни олға сурадилар. Абу Бақр Муҳаммад Наршахий ўзининг “Тарихи Бухоро” асарида 937 йили Бухорода содир бўлган ёнғиндан Форжак мадрасаси ҳам зарар кўрганини қайд этиб ўтади. Кейинчалик мадраса қайта тикланади. Мўғуллар даврида яшаган ва машҳур “Жавомеъ ал-ҳикоя” асарининг муаллифи Ибн Авфий (XIII аср) мазкур мадрасада мударрис Масъуд Имомзода қўли остида таълим олгани ушбу мадрасанинг мўғуллар даврида ҳам фаолият юритганини кўрсатади.

Абу Ҳафс Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган. Бу ўз замонасида машҳур мадрасалардан саналиб, ҳозирги “Пойи Калон” мавзесида жойлашган. Наршахийнинг маълумотига кўра, Абу Ҳафс Кабир бомдод намозидан кейин талабаларга дарс берган. Олим кўплаб шогирдларни тарбиялаб, камолга етказди: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс (Абу Ҳафс Сағир), Абу Жаъфар Ризвон ибн Салим Бадокорий, Абул Ҳасан Муқотил ибн Саид Байдарий, Муҳаммад ибн Ҳотам Субизуғийкий, Абу Заҳҳок Фазл ибн Ҳассон Сутиканий, Ҳорис ибн Абул Вафо Бухорий, Довуд Шарғий, Абу Саид Сулаймон ибн Довуд Шарғи.

Абу Солиҳ Тоййиб ибн Муқотил Хуноматий, Абу Ҳасан ибн Толиб Гишатийлар ундан ривоят қилишган. Абдулкарим Самъоний “ал-Ансоб” номли асарида келтиришича, Абу Ҳафснинг шогирдлари Харожир деган қишлоқда кўп бўлган. У туфайли Бухоро шаҳри ханафийликнинг муҳим марказларидан бирига айланди.

Абу Ҳафс Кабир доим шогирдларига шундай насиҳат қилар эди: “Қуръонни кўп ўқинглар. Чунки Қуръон мусҳаф ва қалблардан тез кетади”.

Тарихчи А.Вамбери ўзининг “Тарихи Бухоро” ва Садатий “Тарих ад-дувал” номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабаларнинг орзу қилган мадрасаси бўлганини таъкидлашган.

Мазкур мадраса фаолиятини акс эттирувчи манбалар камчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, манбаларда Абу Ҳафс Кабир мадрасасида мударрислик қилган бир қатор йирик фақиҳлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, Муҳаммад ибн Аҳмад Шохивайх Форисий ҳам мазкур мадрасада мударрислик қилган. Ҳоким Абу Абдуллоҳнинг зикр қилишича, у 971 йилда Нишопурда вафот этади. Муҳаммад ибн Аҳмад Форисий ўз юртида фикҳ ва ҳисоб илмини ўрганиб, бир муддат Нишопурда яшайди. Кейинчалик Бухорога келиб, маълум муддат Абу Ҳафс Кабир мадрасасида мударрислик қилади.

Бухорода фаолият олиб борган “садруш-шариа”лар ва уларнинг оила аъзолари фикҳ илмини ўз замоналарининг машҳур олимларидан олганлар. Фикҳ илмини ўрганишда силсилалари Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Кабирга етиб боради.

Абу Ҳафс Кабирнинг шуҳрати Бухоро, қолаверса, ислом оламига тарқалди. Олимлар унинг илми фазлини баҳолаб, уни “муаллими ислом”, яъни “ислом динининг муаллими”, унинг шарофати билан Бухорони “қуббатул ислом”, яъни “ислом дини гумбази” ва у киши яшайдиган маҳалла дарвозасини “Ҳақроҳ”, яъни “Ҳақ йўл” деб атаганлар. Ҳатто, араб диёри олимлари бирор масаланинг жавобини топишда қийналиб қолсалар, Бухорога Абу Ҳафс Кабирнинг олдига бир кишини юбориб, ўша масаланинг ечимини билиб олишар эди. наршахийнинг айтишича, ҳожилар карвони келаётганида, карвондан бир киши Абу Ҳафснинг ёнига келиб, ундан масала сўраганда, Абу Ҳафснинг хайратланиб: “Ўзинг-ку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?”, деса у: “Бу масалада Ироқнинг олимлари билан мунозара қилдим, лекин улар қониқарли жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога бориб, бу масалани Абу Ҳафсдан ёки унинг фарзандидан сўрагин, улар сенга бу масаланинг жавобини айтишади, дедилар”, - деб жавоб беради.

Бу даврда Араб халифалиги худудидида турли халқлар яшар эдилар. Ўз-ўзидан маълумки, уларни бир хил қонун-ўлчовда сақлаш, яъни ҳама жойда ягона қонун жорий қилиш мумкин эмас эди. Турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳадислар тўқиб олар эдилар. Маълумки, ислом ҳукуқи нафақат соф ҳукуқий меъёрлар мажмуидан иборат, балки у диний расм-русумлар, ахлоқий мезонларни ҳам қамраб олади. Абу Ҳафс Кабир мана

шундай талабларга риоя қилиб, ўзи яшаган жамият ҳаётидаги барча диний ва дунёвий масалаларни давр талабларига жавоб берадиган, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда умумий шариат нормаларини ишлаб чиқди. Абу Ҳанифанинг фикҳ ва шариатга оид қонуншунослик таълимотларини маҳаллий урф-одатларга мослаштириш ғояларини илгари сурди. Абу Ҳафс Кабир амир бўлдими, оддий фуқаро бўладими, қандай муаммо билан келса, ҳал қилиб берар эди. олди-сотди ёки ибодат масалаларини ҳам жуда аниқлик билан ечарди. Шу боис одамлар олимни “Ҳожатбарор имом” деб ҳурмат қилганлар. Ҳозирги кунга қадар Бухоро аҳолиси Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳини “Имоми Ҳожатбарор” зиёратгоҳи дея ардоқлаб келади.

Абу Ҳафс Кабир юқори мансаб эгалари олдида ҳам ўз нуфузига эга бўлган. Зандавистийнинг “Равзат ал-уламо” номли асарида келтирилишича, султон Абу Ҳафс Кабир Бухорийга салла тортиқ қилган. Салла муҳим илтифот қилинган кийимлардан бўлиб, амирлар уни ўзлар танлаган ва яқин кишиларига совға қилганлар.

Абу Ҳафс берган фатволар ва унинг асаридан олинган иқтибослар кейинги давр уламоларининг фикҳий асарларида кенг истифода этилади. Жумладан, Абу Наср Аҳмад ибн Умар (ваф.1190й.)нинг “Фатовойи Аттобия”, Фаридиддин Дехлавий (ваф. 1385 й.)нинг “Фатовойи Татархония”, Алоуддин Бухорийнинг “Ҳайрат ал-фуқаҳо”, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий”, Бурхониддин Маҳмуд (1156-1219 й.)нинг “Муҳит ал-Бурхоний”, Абу Бакр ибн Масъуд Косоний (ваф.1191 й.)нинг “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб ашшароиъ”, Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб (ваф.1707 й.)нинг буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий (XVII-XVIII) бошчилигида йигирма уч нафар фақиҳ томонидан ёзилган “Фатовойи Оламгирия” каби жуда кўплаб асарларда учрайди.

Баъзи асарларда олим ҳақидаги маълумотларга алоҳида боблар ажратилган. Масалан, Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ал-муттақин” асарида “Ҳикояти Хожа Абу Ҳафс Кабир Бухорий” ёки “Баёноти Хожа Абу Ҳафс Кабир” сарлавҳаси остида боб мавжуд.

Сўфи Оллоёр Абу Ҳафс Кабир асарларидан фойдаланиб, “Фарзандларга насиҳат” бобидан яхши хулқ, одоб, яхши инсоний фазилатлар, ҳақ-ҳуқуқини таниш, ота-она, қариндош, ёр-биродарларга ёрдам қўлини чўзиш, улар ҳурматини қозониш, меҳнатни улуғлаш каби отанинг насиҳатларини баён этган. Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Мозороти Бухоро” (Тарихи Муллозода) номли асарида ҳам олим ҳақида алоҳида бўлим ажратилган.

XIX-XX асрларда яшаб ижод этган Мухлис Намангонийнинг Абу Ҳафс Кабирга атаб ёзган мухаммасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки мухаммасда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, шоир ушбу маълумотларни тарихий манбалар асосида ёзгани эҳтимолдан холи эмас.

Айрим адабиётларда олимнинг асари деб бошқа муаллифнинг асарига нисбат берилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, 2007 йилда нашр этилган Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ал-муттақин” номли асарининг илова қисмида Абу Ҳафс

Кабирнинг “Китоб ал-аҳво ва-л-ихтилоф” номли китоби ҳам бўлган, дейилади. Ислом энциклопедияси ва Ўзбекистон Миллий Энциклопедияларида Абу Ҳафс Кабир “ал-Аҳво ва-л-ихтилоф” (Ҳавойи гаплар ва келишмовчиликлар), “ар-Радд ала-л-лафзия” (Юзаки қаровчиларга раддия) китобларининг муаллифидир, деган жумлаларни учратиш мумкин. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавийнинг (1519-1582) “Катоиб аълом ал-аҳёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор”, Умар Ризо Каҳҳоланинг “Мўъжам ал-муаллифин”, Султон Муҳаммад ибн Қаландаршоҳнинг “Рисолайи Султоний” номли асарлари ва табақот жанридаги яна бир қанча китобларга бу асарларнинг муаллифи Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс деб келтирилади. Абдулкарим Самъоний бу китоблар билан бир қаторда Абу Ҳафс Сағирнинг “Китоб ал-имон” номли асари борлиги ҳақида эслатиб ўтади. Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда мазкур асарлар Абу Ҳафс Кабир асарлари эмаслиги, агар шундай бўлганда кейинги давр уламолари томонидан ёзилган фикҳий манбалардаги кўплаб учрайдиган иқтибосларда бу асар номлари ҳам тилга олинган бўлар эди, деган хулосага келамиз.

Тадқиқот жараёнида Абу Ҳафс Кабир Бухорий қаламига мансуб “Китоб аттахриж”, “Фавоид”, “Фатово” ҳамда “Масоил” каби асарлари борлиги аниқланди. Шунингдек, у “Наводир ас-солат”ни ривоят қилгани манбаларда қайд этилган.

832 йилда вафот этган Абу Ҳафс Кабир Бухородаги Дарвозаи лав қаршисидаги тепаликда дафн этилган. Муҳаммад Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” номли асарида келтиришича: “Марҳум Хожа Абу Ҳафснинг саройи, кишилар у жойни қанчалик тузатиб турганликларига қарамай, бу кунгача сақланиб қолган эмас, лекин ундан айрим нишонларгина боқийдир, савма’а – ибодат қилинадиган жой ҳам у уйда ўз ўрнида турибди. ...Қабри Дарвозайи навда, дуо қабул бўладиган жой деган ном билан машҳур. У тепаликни Хожа имом Абу Ҳафс тепалиги дейдилар... У жойни “Ҳақроҳ дарвозаси” дейилишига сабаб шуки, одамлар ўша ерда, марҳум Абу Ҳафс ҳузурига келиб фатво олар эдилар ва бу фатвони деб билар эдилар. Шу жиҳатдан улар Ҳақроҳни “ҳақ” деб атаганлар”. Академик В.В.Бартольд унинг мақбараси устида “Мовароуннаҳр уламоларининг устози” деган ёзув бўлганини қайд этади.

2009 йилда Ҳазрати Имом мақбарасида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди. XVI асрда қурилган хонақоҳ, ҳовуз, минора ва меҳмонхона қайта таъмирланди.

Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг шахсияти ва илмий фаолияти чуқур ўрганиладиган мавзулардан бири бўлиб, у ҳақда кўплаб тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Равшанова Г.М.	Ёшлар онгида умуминсоний қадриятларни шакллантиришда замонавий таълим-тарбия ва ахборот технологияларнинг ўрни.....	456
Дехқонов Б.Б.	Тасаввуф таълимотининг инсонда бағрикенгликни шакллантиришда тутган ўрни	458
Шарифова Г.Х.	Духовный мир Джалаладдина Руми.....	460
Izzatullayeva G.N.	Abu Ali Ibn Sina's Philosophical Views As Heritage Of The World	464
Urazmetov M.T.	The Religious-Philosophical Concept Of Suleyman Vakirgani	468
Шарипов А.З.	Янги Ўзбекистон: мамлакатнинг маънавий қиёфасини шакллантириш ва маърифий жамият барпо этишнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларига доир мулоҳазалар.....	471
Қўшшаева Н.М.	Мухаммад Назар Болтаев	476
Шокиров М.Р.	Тарихий тадқиқотларда тарихийлик ва мантиқийлик методларининг аҳамияти.....	479
Ҳайдарова Ҳ.Б.	Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг илоҳиёт илмига қўшган ҳиссаси	482